

НАҚҚОШЛИК САНЪАТИ УСТАСИ

Гўзалхон Валиева

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими*

Нақшкорлик амалий санъатнинг энг қадимги соҳаси, нақш яратиш касби. Наққош уста қоғозга ёки матога нақш мужассамотини ёки нақш тақсимини чизиб олади, Айниқса гирих ва ислимий каби мураккаб нақшларда ахта, андаза тайёрлайди. Амалий санъат усталари икки ҳил усулда безак яратадилар наққошлар тайёрлаган ахта андоза ёрдамида ҳамда нақш гул тўғридан-тўғри безаш жараёнида усталар тасаввурининг маҳсули сифатида яратилади. Нақш яратиш устандан дид маҳоратдан ташқари кунт, узоқ машқ малака талаб қилади. Ҳар қандай хунармандлар ҳам наққош бўлавермайдилар бунинг учун албатта сабр ҳам талаб этилади. Ўз умрини наққошлик санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган наққошлар талайгина бўлиб, улар орасида Ўзбекистон халқ устаси Асқарали Акбаровни ҳам ўз ўрни бор.

Асқарали Акбаров 1951йил 2-октябрда Ўш вилояти Янгийўл тумани Караван қишлоғида туғилди. Ёшлигидан тиришқоқ зехни баланд бола бўлди. 1975йил 24ёшида Қўқон бадий ишлаб чиқариш устохонасида наққошлар гуруҳи раҳбари бўлиб ишлади. Устози Т. Тўхтажўжаевдан наққошлик сир-синаотларини ўрганиб, унинг сеvimли шогирдларидан бирига айланди .

Р. Ёкубов, Ж.Ҳакимовлар билан бирга ишлаб ҳунар ўрганиб, тажриба ортирди. 1982 йилдан Наманган бадий устохонаси амалий санъат гуруҳи бошлиғи. 1989 йилдан Наманган ўлкашунослик музейида санъат бўлими мудири бўлди. 1991 йилда М. Уйғур номидаги Тошкент санъат институтига ўқишга кириб 1995-йилда тамомлайди. 1998 йилдан Ўзбекистон Бадий Академияси вилоят ижодкорлар уюшмаси раҳбари лавозимида ишлади. Иш жараёнида наққошлик санъатини ривожлантириш йўлида тинмай изланди, ҳаракатлари зоя кетмади, бинолар безагида наққошлик билан ганч ва ёғоч ўймакорлигини уйғун ҳолда қўллади, унитилиб кетган кундал услубини тиклади. Миллий ва замонавий бинолар безагида ислимий ва гирих мужассамотидан кенг фойдаланади. Намангандаги “Пахталикўл санаторияси”, “Вилоят ўлкашунослик музейи” кириш қисмлари Тошкентдаги “Мовий гumbазлар” чойхонаси Акбаров ва унинг жамоаси ижод маҳсулидир” Истиклол” санъат саройи ва бошқа вилоятларда, хорижда 60 дан ортиқ жамоат биноларини безаш ишларида иштирок этди. 1998 йилда ташкил этилган “Ташаббус-1998” курик танловида қатнашиб, вилоят босқичи ғолиблигини қўлга киритди. 2000 йил Ўзбекистон халқ устаси, 2003 йил Ўзбекистон Бадий Академияси академиги унвонларига сазовор бўлди 2006 йил

июнь ойида Ўзбекистон амалий санъат музейида ўтказилган” Уста-шогирд” мактабида ҳунар ўргатиш мавзусидаги кўргазмада ,2007 йил Ўзбекистон Бадий Академияси кўргазмалар залида ўтказиладиган “Тасвирий санъат” ҳафталиги доирасидаги кўргазмаларда ўз ишлари билан иштирок этди.. Асарлари республикамизнинг кўплаб музейларида сақланади. Ҳозирда 100дан ортиқ шогирдлари бор. Унинг хизматлари муносиб баҳоланди. 1996 йилда ЮНЕСКО фахрий ёрлиғи ва 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20-йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланди. Ҳозирда орамизда бўлмасаларда лекин уларнинг шогирдлари ишларини давом эттиришмоқда. Бежизга “Яхшидан боғ қолади” дейилмайди, уларнинг ҳар бир ишлари келажак авлодга ўтиб бораверади ва ёшлар хотирасида мангу қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Маънавият-асосий тушунчалар луғати”-Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти,Тошкент 2016 – йил нашри.
- 2.“Гулистон”-ижтимоий-сиёсий,илмий-бадий,маданий-маърифий Журнал- 2021-йил сони.
- 3.”Мозийдан садо”-илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.2024 йил.

